



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 23-24
(944)
2025 йил
19 июнь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



global
environment
facility
INVESTING IN OUR PLANET

Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган Глобал экологик фонд (GEF) кенгашининг 69-йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самарали натижалари дунёнинг етакчи донор давлатлари эътиборига тақдим этилди.

GEFнинг 8-АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Кенгашда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазир Азиз Абдуҳақимов давлат раҳбари томонидан бир қатор муҳим экологик ташаббуслар, хусусан, Орол денгизининг қуриб қолган тубида кенг кўламли ўрмонзорлаштириш кампанияси олиб борилаётганлиги, бугунги кунгача 2 миллион гектар майдон яшил ҳудудга айлантирилганлиги, “Яшил макон” умумхалқ лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт экилаётганлиги ва яшил ҳудудларни 30 фоизгача ошириш мақсад қилинаётганлиги, 2030-йилга бориб “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилганлиги, қайта тикла-

нувчи энергияга ва нол чиқиндили транспортга ўтиш рағбатлантирилаётганлигини таъкидлади.

Вазир, шунингдек, кенгаш иштирокчилари эътиборини Ўзбекистонда қонунчиликда атроф-муҳитни асрашга қаратилган қатор ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда экологик таълим сифати оширилаётганлигига қаратди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янгиланиб, атроф-муҳитни асраш борасидаги моддалар билан бойитилди, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа ҳужжатлар экологик барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида такомиллаштирилди. Бундан

ташқари, айнан Давлат раҳбари ташаббуси билан Тошкентда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (“Green University”), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши ва Миллий иқлим маркази ташкил этилди. 2025-йил эса “Атроф-муҳитни асраш ҳамда “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюциялари, жумладан, 2027–2036-йиллар оралиғида ўрмон ва ерларни тиклашга оид резолюция илгари сурилмоқда.

Кенгашда 2026-йилда GEFнинг 8-ассамблеяси ва GEF Кенгашининг 71-йиғилиши Ўзбекистонда, Самарқандда ўтказилиши ҳақида



қарор қабул қилинди. Ўз навбатида Азиз Абдуҳақимов Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан чуқур миннатдорлик билдириб, GEF кўмагида Ўзбекистоннинг экологик кун тартибини шакллантиришда муҳим ютуқларга эришилгани ва ҳамкорликни давом эттиришга умид билдиришини айтиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЭКОЛОГИК ТАДБИРИ



19–21-июн кунлари Тошкентда «Есо Expo Central Asia 2025» экологик технологиялар халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади ва кўргазма 25 дан ортиқ давлатлардан етакчи мутахассислар, компаниялар, стартаплар ва ташкилотлар вакиллари бирлаштиради. Улар экотехнологиялар, иқлим барқарорлиги ва яшил трансформация соҳаларидаги энг илғор ечимларни тақдим этишади.

Уч кун давомида иштирокчилар замонавий ишланмалар билан танишишади, муҳим сессияларда қатнашишади ҳамда экология ва барқарор ривожланиш йўналишида янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишади.

Кўргазмада инновацион лойиҳалар тақдимотлари, долзарб муаммолар ва имкониятлар муҳокамалари, шунингдек, Орол экологияси, яшил шаҳарлар, эко-таълим ва келажак технологияларига бағишланган махсус тадбирлар ўтказилади.



GEFнинг 8-АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Тадбирда айнан Ўзбекистоннинг экологик фаоллиги ва ташаббуслари туфайли жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиёдаги иқлим ўзгариши сабабларига қарши кураш ва оқибатларини юмшатиш масаласига эътибор қаратаётгани қайд этилди. Хусусан, Самарқандда бўлиб ўтадиган навбатдаги тадбирларда йирик донор давлатлар минтақадаги экологик муаммоларга ечим топиш мақсадида бирлашади.

“Марказий Осиё ҳали ҳам иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва ер деградацияси хавфига жуда таъсирчан минтақа бўлиб қолмоқда. 2026-йилдаги GEF Ассамблеяси бу масалаларга эътибор қаратиш, маблағ сафарбар қилиш, билимлар алмашинуви ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Биз саммит доирасида ва ҳамкор давлатлар билан минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга, иқлим барқарорлигини оширишга ва биохилма-хиллик йўқолишининг олдини олишга интилоқдамиз”, — деди вазир.

Ўз навбатида тадбирнинг БМТ Туризм ташкилоти томонидан “Жаҳон маданий туризм пойтахти” деб эътироф этилган Самарқандда ўтказилиши ҳам рамзий маъно касб этиши таъкидланди.

“Бу биз учун шарафдир. 3000 йиллик тарихга эга Самарқанд қадимий цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бўлиб, инсонлар бу ерда табиат билан уйғунликда яшаб келган. Бугунги кунда эса Самарқанд — бой тарих, маданият, миллий таомлар ва ўзига хос меҳмондўстлик билан ажралиб турадиган жонли манзилдир. Марказий Осиё ва Буюк Ипак йўли марказида жойлашганлиги боис Самарқанд

дунё давлатларидан келадиган делегатлар учун қулай географик жойлашувга эга”, — деди вазир.

Азиз Абдуҳакимов GEF ассамблеясига 2026-йилда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси биргаликда мезбонлик қилишини таъкидлади. Ўз навбатида Ўзбекистонда деярли 100 мамлакат фуқаролари учун визасиз режим, қолган давлатлар учун эса 24 соат ичида олинadиган соддалаштирилган электрон виза тизими жорий қилинганлиги ва бу юртимизга ташриф буюрадиган делегатлар учун янада қулайлик яратиши қайд этилди.

“Биз Самарқандда БМТ Туризм ассамблеяси YETTB йиллик йиғилиши, UNCCD CRIC21, CMS COP14 ва яқинда Иқлим Форумини ўтказдик. Ушбу тадбирларда дунёнинг турли мамлакатларидан вакиллар иштирок этди. Жорий йилда эса Ўзбекистонда “Есо-Ехро Central Asia”, ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси ва CITES COP20 каби йирик халқаро тадбирлар бўлиб ўтади. Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ушбу тадбирларда иштирок этишга таклиф қиламан”, — деди вазир.

Азиз Абдуҳакимов кенгаш иштирокчиларига “Green University”да IUCN (GEF агентлиги)нинг Марказий Осиёдаги офиси очилгани ҳақида ҳам маълумот берди:

“IUCN офисининг ташкил этилиши янги имкониятлар уфқини очади ва бу ташаббус нафақат Ўзбекистонга, балки бутун Марказий Осиёга хизмат қилади. Биз бу минтақада “Табиат чегара билмайди” шиорини илгари суряпмиз, чунки экологик муаммолар чегараларни тан олмайди ва трансчегаравий ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга”.



CITES-COP20
SAMARKAND 2025
UZBEKISTAN

GEF Ассамблеяси глобал экологик ҳаракатларни кучайтириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган молиявий кўмакни жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, нафақат минтақа, балки бутун дунёдаги экологик вазиятни яхшилаш борасидаги позициясида қатъий ҳамда буборадаги фаоллиги, ташаббускорлигини давом эттиради.

Маълумот учун, Global Ekologik Fond (GEF, ingl. Global Environment Facility) — бу табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ташаббусларни молиялаштирувчи энг йирик халқаро институт бўлиб, иқлим ўзгариши, ер деградацияси, биохилма-хилликнинг йўқолиши ва сувларнинг ифлосланиши каби глобал экологик муаммоларни ҳал этишда давлатларга кўмаклашади. GEF Ассамблеясининг Ўзбекистонда ўтказилиши нафақат мамлакатнинг экология ва барқарор ривожланиш йўналишидаги саъй-ҳаракатларига нисбатан юксак эътироф, балки инвестициялар жалб этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва миллий экологик устуворликларни глобал миқёсда илгари суриш учун муҳим майдондир.

Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги йирик халқаро тадбирларга мезбонлик қилиб, Марказий Осиёнинг экологик маркази сифатидаги мақомини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда қуйидаги муҳим тадбирлар: БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш бўйича конвенцияси доирасидаги 21-сессияси (CRIC21), Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаш тўғрисидаги конвенция иштирокчи томонларининг 14-конференцияси (CMS COP14), Биринчи Самарқанд Иқлим Форуми муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистон ECO EXPO Central Asia — Марказий Осиё халқаро экологик кўргазмаси ҳамда CITES COP 20 — йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар турлари савдоси тўғрисидаги конвенциянинг 20-конференциясига мезбонлик қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг экологик дипломатия ва барқарор ривожланиш борасидаги минтақавий марказ сифатидаги роли ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Матбуот хизмати

Яқинда ёшлар билан ўтказилган тадбир чоғида ўқувчилардан бири коррупцияга оид воқеа сўзлаб беришимни илтимос қилди, шунда бир дўстим айтиб берган воқеа ёдимга тушди.

ОХИРИ «ВОЙ» МАНФААТ

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас.

Ҳалоллик — бу инсонлар учун руҳсат қилинган яхши, ижобий ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуидир, меҳнат эвазига топилган нарсалар, шунингдек пок ва тоза озиқ-овқатлар сирасидир. Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу қабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат юради.

Икромали ҳалолликнинг акси бўлган иллат — Коррупция эканлигини англаганда жуда кеч эди. У аслида Коррупция “нон”ини гўдақликдан еб улғайди.

Мактаб даврида деярли дарсларга умуман қатнашмади. Амалдор отаси уни сўраб келган ўқитувчиларнинг гоҳ оғзини “мойлаб”, кўнмаса, қийиб орқасига қайтариб юборарди. Бунини қарангки, Икромалининг онаси тузалмас дардга чалиниб қолди. Хаста онаизор бир кунини ўғлини ёнига чақириб, шундай деди: “болам, дардимнинг охири кўринмаяпти, бир орзуим бор эди, келажакда шифокор бўлиб, минглаб одамларга шифо улашсанг, руҳим

шод бўлар эди. Отангдан рўшнолик кўрмадим, лоақал сенинг ортингдан яхши гап эшитсам қабримда тинч ётардим...”

Она шўрликнинг васияти бажарилди. Икромали тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. “Бола бошидан” деганларидек, у олийгоҳда ҳам наридан бери, ўқитувчиларга “ҳадя”лар улашиб, баҳоларни “беш” қилиб дипломни қўлга киритди. Отасининг пулдор дўстлари уни шаҳарнинг нуфузли шифохонасига ишга жойлади. Отаси йигирма йилдан буён мунтазам даволаниб

Икромали не кўз билан кўрсинки, ҳозиргина тиг остида жонини олган инсон — ўзининг отаси эди. Малакали шифокор бўлганда балки шўрлик отанинг ҳаёти сақлаб қолинармиди...

келаётган шифохонада иш бошлади.

Икромали уйланиб, бошқа шаҳарга кўчиб кетди. Шифохонага қатнаб ишларди. Бир кунини Икромалининг навбатчилигида оғир бемор келтирилди. У ўша кунини тоғлик таҳсилдошиникида зиёфатда эди. Шифохонадан кўнгирик бўлиб, зудлик билан етиб келишини айтишди. Ярим кечаси касалхонага етиб келди. Ҳамшира беморнинг операцияга тайёр эканлигини айтгач, бироз сархушлигига ҳам эътибор бермай ишга киришди. Бахтга қарши бемор операциядан чиқмади. Икромали не

кўз билан кўрсинки, ҳозиргина тиг остида жонини олган инсон — ўзининг отаси эди. Малакали шифокор бўлганда балки шўрлик отанинг ҳаёти сақлаб қолинармиди...

* * *

Коррупция — давлат ва жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган муаммо эканлигини ёшларга уқтириб боришимиз шарт. Хўш, бу борада қандай зарурий чораларни кўришимиз керак? Аввало, таълим ва тарбия орқали ёш авлодга коррупциянинг зарарларини тушунтириш, жумладан, Коррупция — бу давлат органларида ёки ташкилотлар ичида ўз манфаатла-

ради. Коррупцияга оид тадбирлар ўтказиш учун қуйидаги усулларни кўриб чиқиш мумкин:

Коррупцияни камайтириш бўйича семинарлар ташкил этиш ва уларни давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ўтказиш, таълим муассасаларида Коррупцияга қарши савол-жавоб, ўйинлар ва мусобақалар ўтказиш, ёшларни ушбу масалаларда таништириш.

Бу тадбирлар коррупциянинг олдини олиш ва жамиятдаги онгни оширишга ёрдам беради. Аслида, Коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати ва давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши маърифат инсонда билим, “иммунитет”, шунингдек коррупцияга қарши олий мақсадга мос келувчи барқарор ҳуқ-атвор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, инсоф, иймон-этикод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараёндир.

Жамиятдаги мавжуд иллатларга қарши кураш талабларини ҳар бир давлат хизматчисининг ички ахлоқий-руҳий маслаги ва эътиқодига айлантириш коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қиладиган. Мазкур талаблар кейинчалик ҳар бир давлат хизматчисининг нафақат касбий фаолиятида, балки ҳаётида ҳам йўл бошловчи маёқ бўлиб хизмат қиладиган.

Ўрал НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Қарши туманлараро суди раиси



Табиат билан уйғунлик

Тошкент вилоятида бир вақтнинг ўзида учта халқаро сана — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини, Global Wellness Day ва Бутунжаҳон велосипед кунига бағишланган фестивал бўлиб ўтди. Тадбир соғлом турмуш тарзи, барқарор фикрлаш ва жисмоний фаоллик тарафдорларини бирлаштирди.

Фестивал экологик транспорт ва фаол ҳаёт тарзига содиқликни ифодаловчи веломарафон билан бошланди. Кун давомида иштирокчилар, хусусан, болалар учун йога машғулоти ташкил этилди. Шунингдек, “қуйловчи” Тибет косалари ёрдамида ўтказилган “sound healing”

(товушли шифо терапияси) сеанслари иштирокчиларга хотиржамлик ва ички мувозанатни ҳис қилиш имконини берди.

Маҳорат дарслари доирасида меҳмонлар мих устида туриш амалиёти, бўйин ва қўл массажи, флористика, чой маросими, комбуча тайёрлаш,

нейрографика асослари билан танишдилар ҳамда нутрициолог (тўғри овқатланиш бўйича мутахассис) маслаҳатларини олдилар. Барча жараён соғломлаштириш, ижодкорлик ва оила аъзолари билан биргаликда вақт ўтказишга йўналтирилди.

Қолаверса, “Терло Market” хунармандчилик бозорида иштирокчилар қўлда тайёрланган маҳсулотларни харид қилиш имконига эга бўлишди. Болалар учун эса алоҳида ўйин майдончаси ташкил этилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташаббуси — табиатда биргаликда чиқиндиларни йиғиш фестивалнинг муҳим қисмига айланди.

Мазкур фестивал инсон, табиат ва жамиятга ғамхўрликни бир маконда уйғунлаштириш, дам олиш кунларини мазмунли, илҳомлантирувчи ва уйғун муҳитда ўтказиш мумкинлигини амалда кўрсатди.



МАЪНАВИЯТ ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

Инсон учун буюкларнинг буюги, улуғларнинг улуғи – бу устоз саналади. Устоз – беназир ҳикматлар соҳиби, дуру жавахирлар сандиғидир. Шу боис, барча эзуликлар каломиди улуғликлар мужассам, келажак йўли эса ёруғ йўл тутати. 27 июн – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан таниқли олим ва журналист, Самарқанд давлат чет тиллар институти қиёсий адабиётшунослик кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Эркин Мусурмонов билан журналистик фаолият, бадний ижод муносабатлари хусусида суҳбатлашдик.

– Эркин Раббимович, сиз билан журналистларнинг касб байрами олдида суҳбатлашяпмиз. Журналистнинг жамият олдидаги бурчи, масъулияти ва умуман маънавият аҳлининг бугунги кунда долзарб вазифалари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

– Жамият келажаги, унинг истиқболи учун жавобгарлик ҳамма замонларда ҳам биринчи галда қалам аҳли, маънавият кишилари, зиёлиларнинг зиммасидаги шарафли бурч бўлиб келган. Айниқса, ўз эркини қўлга киритган мамлакатларда мустақилликни мустаҳкамлаш даврида бу масъулият янада кучайган. Ўзбек халқи айни шундай муқаддас вазифани шараф билан удраламоқда.

– Дарҳақиқат, биз инсонпарвар қонунлар устувор бўлган, инсон қадри баланд тутилган жамият барпо этаяпмиз. Уни ҳақиқий демократия тантана қиладиган фуқаролик жамияти, деб атаймиз. Ана шу жараёнда, табиийки, журналистлар олдинги сафларда бўлмоғи лозим. Хўш, бу нималарда кўринади?

– Менинг назаримда бу аввало мамлакат Конституциясига оғишмай амал қилишда, шу асосда қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари ва барча меъёрий ҳужжатлар ижроси бажарилишини таъминлашда кўрилади. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси ниҳоятда серқирра, серқамров ва чуқур маънога эга. Жумладан, у жамият ҳаёти, ривож, келажакка ҳар бир фуқаронинг бефарқ бўлмаслигини, дахлдор бўлишини англатади. Бугина эмас, фуқаро аста-секин ўз овози, таклифи, муносабати, назорати, оғоҳлиги билан жамиятни бошқаришда иштирок этиб боради.

– Шу ўринда “Жамоатчилик назорати” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Мамлакат қонунларига амал қилиш, қарорлар ижросини таъминлаш муқаддас бурч эканлиги ҳақида тўхталдик. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, барча босқичлари маълум тартиб-қоидаларга асосланади. Буни оила, маҳалла, ишхона, жамоат жойларида амал қиладиган меъёрларда кўришимиз мумкин. Амалдаги қонунлардан оддий тартиб-қоидаларга амал қилишгача бўлган жараён, табиийки, омманинг кўз ўнгида содир этилади. Пиёда йўл қондасига амал қиляптими, ўқувчи мактаб мулкани асрашми, раҳбар тўғри ишляптими, суд одил ҳукм чиқараяптими ва ёки аксинчами? Буни жамоатчилик билиб туради. Гап ана шу жараёнга муносабат билдиришда. Тўғри

бўлса, рағбатлантириш, хато бўлса, бартараф этиш эҳтиёжини сезишда. Шундай қилингандагина пиёда ҳам, ўқувчи ҳам, раҳбару судья ҳам оғоҳ бўлади, эгри қадам ташлашдан тийилади. Ўта мудҳиш қотиллик, талончилик, номусга тегиш каби жиноятлар нега қамаймайди? Бугун мамлакатни ларзага соладиган, инсонга хос бўлмаган мудҳиш ишлар юракларни жумбуга келтиради. Энди, ўйлаб кўрайлик. Бундай ҳодиса бир кунда ёки ўзидан-ўзи содир бўлдики? Бунинг сабаби ва омиллари борми? Шу ерда истиқомат қиладиган маҳалла раиси, милиция инспектори ва бошқа мутасаддилар қаерга қараб ўтиришади? Нега улар бундай ҳолатларнинг олдини олишмайди? Журналистларимиз бу ҳақда бугун очиқ ойдин гапириши, унинг олдини олиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишлари керак.

Эл қадри, Ватан тақдири аслида шундан бошланади. Бу эса жамоатчилик назоратининг бир кўринишидир. Мана шундай ҳолатни барча жабҳаларда, мамлакат миқёсида кенг сингдириш вақти келди.

– Самарқандлик журналистлар бугунги кунда қандай ижод қилишмоқда? Энг муҳим мавзулар қай даражада ёритилмоқда деб ўйлайсиз?

– Самарқанд журналистикаси бир асрлик тарихга, бой тажриба мактабига эга. Бугунги кунда вилоятда маҳаллий газета журналлар чиқиб турибди, радио, телевидение эшиттиришлари, кўрсатувлари эфирга узатилмоқда. Оммавий ахборот воситаларидаги ҳар бир материалнинг савиясини зукко муштарийлар, мухлислар баҳолаб боришмоқда. Бироқ...

Бироқ мавзулар етарли даражада, рисоладагидек ёритилмоқда дея, ўзимизни тинчлантиришга асло ҳақимиз йўқ. Аслида ҳам эътирозли ўринлар мавжуд.

Қоғозбозликдан қутула олган эмасмиз. Ҳисоботларда ошириб кўрсатиш сақланиб қолмоқда. Таниш-билишчилик, таъмагирлик яшаб турибди. Шифокор бемордан, ўқитувчи талабадан умидвор. Боғча боласи балиқ, сариеғ, қолбаса емай йилларни ўтказган, ҳозир эса аҳвол ўнгандими? Мактабларни иситиш, табиий газ, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолар қалашиб ётибди. Кўп қаватли ўйларнинг аксарияти қиш мавсумида иситилмаяпти. Йўлларнинг аҳолини қўяверинг. Бунга ўхшаш мавзуларда тош босадиган чиқишлар янада кўпайиши керак. Баъзи бир эълон қилинган тахлилий, танқидий мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам қумга тўкилган сувдек натижа-

сиз. Қайта-қайта чиқишлар қилинмайди. Маҳаллий муаммо маҳаллий қобикда қолаверади.

– Ҳамкасбларингиздан, шогирдларингиздан нималарни кутасиз?

– Биз буюк ислохотлар даврида яшайпмиз. Ҳаётимизнинг ҳар бир куни бунёдкорлик, яратувчанлик билан ўтмоқда. Она Ўзбекистонимиз тобора гуллаб-яшнамоқда. Буни биргина Самарқанд мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Обод бўлган қадамжолар, замонавий қишлоқлар, бунёд этилган хиёбонлар, интенсив боғлар, замонавий шаҳарсозлик ютуқлари, ёшларимизнинг ўқиш, изланиш, спортдаги ютуқлари ҳақида илҳом билан гапириш, ёзиш, кўрсатувлар тайёрлаш лозим.

Нурборки соябор. Ширинташвишлар оғушидаги юртимизга одам савдоси, оммавий маданият, интернет қобиғидаги ёвуз ниятлар дахл қилмоқда. Халқимизнинг менталитетига ёт бўлган фоҳишалик, тан савдосидан даромад излашдек ҳаром-харишлар, бедаво дардга чалинганлар учрамоқда. Никоҳларнинг бекор қилиниши, оилалар бузилиши, ёш болаларнинг етим қолиши ғоятда ачинарлидир. Бедор журналист ана шу мавзуларда газетхонларнинг қалбига етиб борадиган содда, тушунарли, тахлилий мақолалар ёзишлари лозим. Токи одамлар билиб-билмай қабоҳат ботқоғига ботиб қолмасинлар. Ижодкорларнинг оммадан олдинроқда бўлиши, уларга йўл кўрсатиши, фидойилиги ҳам аслида ана шундандир.

Газетанинг, унда чоп этилаётган мақолаларнинг долзарблиги, савияси кўп жиҳатдан етакчи журналистларнинг ибратига боғлиқ. Бугунги кунда “Адолат”, “Жамият”, “Хуррият” сингари республика газеталарида кучли тахлилий ва танқидий мақолалар, долзарб мавзулар рўй рост чоп этилмоқда. Ушбу газеталарда узок йиллардан буён ҳуқуқий, экологик, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолар, кези келганда, камчиликлар асосли, мулоҳазали тарзда чоп этилмоқда. Шу ўринда журналистнинг нони қаттиқ деган ибора ёдга келади. Негаки, журналистнинг нафи кўпроқ ўз оиласи манфаатидан кўра, жамият манфаатига кўпроқ ҳаётда жуда ҳам кўп. Бугунги кунда ана шундай оммабоп газеталарни иқтисодий муаммолар, газетанинг кам нусхаларда чоп этилиши қийнаб турибди. Раҳбарлар маҳаллий газеталар обунасига зўр эътибор қаратишади. Аммо, республикада кўпчиликнинг эътиборини тортган, долзарб мақолалар чоп этилаётган газеталар эътибордан четда қолмоқда. Ахир, маънавиятни четлаб ўтиб бўлмайди.

Газета бош муҳаррири, етакчи

журналистлар масъулияти ҳақида гап кетар экан «тахририят», «тахрир ҳайъати» ҳақида тўхталиб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди. Саҳифага чиқадиган ҳар бир хабар, мақола, расм, тагсўз маълум тартибда таҳрир қилинади. Аввал муҳбир, сўнгга бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари, шундан сўнггина бош муҳаррир нигоҳидан ўтади. Демак, ўша мақола ёки сурат, унинг изоҳига имзо чеккан кишилар жавобгардирлар. Айрим газеталар эса «тахрир ҳайъати» аъзолари этиб ўн-ўн беш кишининг исму шарифини тиркаб қўйишади. Йиллар ўтаверади, нашр чиқаверади, таҳрир ҳайъати аъзоси эса тахририят манзилни билмай юраверади. Тахририят йиғилишларида қатнашиши, газета нуфузини кўтариш учун таклифлар билдириши, айрим мақолалар жавобгарлигини зиммасига олиши лозимлигини ҳис қилмайди. Чунки, у журналистика соҳасидан, газетачиликдан хабардор эмас. Ёки аъзолар чини билан ишчан гуруҳ бўлиши лозим.

– Эркин Раббимович, халқимиз болажон, бир-бирини ҳурмат иззатлайдиган эл. Сиз бир ижодкор журналист ва олим сифатида буни қандай изоҳлайсиз?

– Ўзбек халқи буюк келажакни фарзандлари камолотида кўрмоқда. Шу боис, уларнинг соғлом ўсиб-ўлғайиши, Ватаннинг забардаст фарзандлари бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бундай ғамхўрликлар бардавонлиги, жумладан, ижод аҳлига ҳам қувонч, илҳом бахш этади. Демокриманки, журналистлар бу борадаги дастурлар ижросининг таъминланишини батафсил ёритиб беришлари лозим. Бу йўлда сусткашликка, ўзи бўларликка, бепарволикка, қоғозбозликка йўл қўйилишига мурасасиз туришлари керак.

Боғча, мактаб, академик лицей, олий ўқув юртлири ҳаётига алоқадор ибратли ишларни кенг ёйиши ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишлари муҳимдир. Ҳар бир ижодкор болалар орасига, болалар дунёсига чуқур кириб бориши, маориф тиббиёт соҳалари ва тегишли идоралар жамоалари эътиборини болалар оламига қаратувчи мақолаларни кўтариши талаб этилади. Негаки, журналистлар олдида бу борада жуда кўп устувор вазифалар қўйилган. Давлат дастурлари ижросини таъминлаш журналистларимиздан ҳам кўплаб фидойиликни талаб этади. Бир қалимада айтадиган бўлсак, мамлакат Президентининг ёнида қанот бўлиш, устувор вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши йўлида ҳар бир журналист ҳам фидойилик кўрсатиши керак.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ
суҳбатлашди.

Жамоатчилик назорати демократик жамиятнинг асосий элементларидан бири бўлиб, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу тушунча жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ БИЗ УЧУН ҚАНЧАЛИК

МУҲИМ?

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг асосий ҳуқуқий базасини ташкил қилади. Қонун давлат органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлайди. У фуқаролар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат фаолиятини кузатиш ҳуқуқини беради. Назорат объектларига давлатнинг қонун қабул қилиш, бюджет маблағларини бошқариш, давлат дастурларини амалга ошириш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари қиради.

Фуқаролар ахборот олиш, ариза, шикоят ва таклифлар юбориш, оммавий муҳокамада иштирок этиш орқали жараёнларда иштирок этади. Шунингдек, назорат жамоатчилик кенгашлари, комиссиялар ёки очиқ мажлислар шаклида амалга оширилади. Бироқ давлат сирлари, шахсий маълумотлар ёки қонун билан чекланган ахборотларни ошкор қилиш тақиқланади.

Қонун бузилса, маъмурий ёки бошқа жавобгарлик юзага келади. Назорат натижалари ОАВда эълон қилиниши ёки тегишли органларга тақдим этилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати бу фуқаролар, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат институтлари томонидан давлат ёки хусусий сектор фаолиятини кузатиш, таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш жараёнидир. Бу жараён давлат органларининг қарор қабул қилиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш, коррупция ва ноқонуний амалларнинг олдини олиш ва жамиятнинг ишончини оширишга хизмат қилади.

Жамоатчилик назорати давлат органлари ва хусусий ташкилотларнинг фаолияти очиқ-ойдин бўлишини таъминлайди. Фуқаролар давлат бюджетидан қандай фойдаланилаётгани, қонунлар қандай ишлаб чиқилаётгани ва уларнинг манфаатларига қандай таъсир кўр-

сатилаётганини билиш ҳуқуқига эга. Мисол учун, Ўзбекистонда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун доирасида давлат харидлари портали орқали тендерлар ва давлат харидлари очиқ эълон қилинади, бу эса фуқароларга ушбу жараёнларни кузатиш имконини беради.

Жамоатчилик назорати коррупциянинг олдини олишда муҳим воситадир. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар давлат бошқарувида шаффофлик ва ҳисобдорликни ошироқда. Жамоатчилик назорати эса бу жараённинг самарадорлигини янада кучайтиради. Фуқаролар, ОАВ ва нодавлат ташкилотларнинг фаол

иштирок этишига имкон беради. Бу уларнинг ўз ҳуқуқларини яхшироқ англашига ва қарор қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатади. Мисол учун, “Mening fikrim” веб-портали мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиқлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида яратилди. “Mening fikrim” портали орқали фуқаролар давлат органларига таклиф ва шикоятлар юборади, бу эса уларнинг фикрлари эътиборга олиншини таъминлайди. Ҳозирги кунга қадар порталга 7710 та жамоавий мурожаатлар юборилган ва уларга 32

платформа орқали фуқаролар суд қарорларини кузатиш, уларнинг қонунийлигини текшириш ва суд жараёнларида иштирок этиш имконига эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларда фуқаролар давлат органлари фаолиятини муҳокама қилиш ва муаммоларни кўтариш имконига эга бўлди. Масалан, 2024 йилда Наманган вилоятида чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш билан боғлиқ муаммолар ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилинди, бу эса маҳаллий ҳокимиятни тезкор чоралар кўришга мажбур қилди.

Халқаро тажрибада эса, масалан, Буюк Британияда “TheyWorkForYou” веб-сайти орқали парламент аъзоларининг фаолияти, уларнинг овоз бериш жараёнлари ва қонун лойиҳаларининг тафсилотлари очиқ эълон қилинади. Бу фуқароларга ўз вакилларининг фаолиятини кузатиш ва уларга баҳо бериш имконини беради. Ўзбекистонда ҳам бундай платформаларни яратиш жамоатчилик назоратини янада кучайтириши мумкин.

Жамоатчилик назорати демократик жамиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди, коррупцияни камайтиради ва фуқароларнинг бошқарув жараёнларида иштирокини оширади. Ўзбекистонда бу йўналишда муҳим қадамлар қўйилмоқда, аммо янада кўпроқ электрон платформалар ва ОАВ орқали фуқароларнинг фаоллигини ошириш зарур. Жамоатчилик назорати фақат давлат органларининг фаолиятини кузатиш билан чекланмайди, балки фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини англаши ва уларни ҳимоя қилишда фаол бўлишига хизмат қилади.

Улғабек МУСАБЕКОВ,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази
Наманган вилояти ҳудудий
бўлинмаси мутахассиси

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларда фуқаролар давлат органлари фаолиятини муҳокама қилиш ва муаммоларни кўтариш имконига эга бўлди. Масалан, 2024 йилда Наманган вилоятида чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш билан боғлиқ муаммолар ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилинди, бу эса маҳаллий ҳокимиятни тезкор чоралар кўришга мажбур қилди.

иштироки коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришда, давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Рақамли технологиялар ва жамоатчилик назорати механизмларини янада ривожлантириш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарасини янада оширади. Масалан, Ўзбекистонда “Transparency International” ташкилоти билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга ошириб келмоқда, бу эса давлат идоралари фаолиятининг очиқ бўлишига хизмат қилади.

Жамоатчилик назорати фуқароларнинг давлат бошқарувида фаол

мингга яқин изохлар қолдирилган. Ушбу мурожаатларнинг 54 таси қўллаб-қувватлаш жараёнида бўлса, 48 таси экспертизадан ўтказилмоқда, 3 таси овоз бериш жараёнида.

Жамоатчилик назорати давлат ва хусусий сектор фаолиятининг адолатли бўлишини кузатишга ёрдам беради. Масалан, маҳаллий бюджетларнинг тақсимланишида фуқаролар назорати орқали маблағларнинг кам таъминланган аҳоли қатламларига йўналтирилиши таъминланади.

Ўзбекистонда суд жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида “E-Sud” электрон платформаси ишга туширилган. Ушбу

Фарзандининг тиши қамашади, деган ибора бор. Бу фарзандларимиз, хусусан, ўғил болалар отага қараб бўй чўзади, дегани. Бу ота нобоп бўлса, ножўя ишларга қўл урса, нопок кўчаларда юрса, бу ҳолат фарзандлари тақдирига, келажагига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, дегани. Бу эшитганидан кўра кўрганига кўпроқ амал қиладиган болалар отаси қилган ишни такрорлашга мойил бўлади, дегани. Бу фарзандлари тарбияси учун энг аввало, ота масъул, дегани. Шундай экан, ота чин маънода оиланинг устуни, фарзандлар таянчи бўлмоғи, болаларининг соғлом улғайиши, маънавий камол топиши учун кўпроқ қайғурмоғи лозим.

Оилада отанинг ўрни йўқолса, масъулияти унутилса, фарзандлар тарбиясида ноқисликлар бўй кўрсатади. Бола тарбиясида сусткашлик, лоқайдлик қилганлар, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар ёки уларга меъёридан ортиқ меҳр бериб, эркалатиб, тарбиядаги мувозанатни бузганлар ўзларининг ҳам, фарзандларининг ҳам умрини увол қилишлари мумкин.

Донишмандлардан уч бора “Дунёдаги энг азиз неъмат нима?”, деб сўралганда, уч бора ҳам “фарзанд” дея жавоб беришган экан.

Дарҳақиқат, фарзанд беғуборлик ва мусаффоликнинг инсонларга раво қўрилган бетакрор тимсолидир.

Бу неъматни беҳад қадрлайдиган болажон халқмиз. Оилада фарзанд дунёга келса, боз устига у ўғил бўлса, оилагаиларнинг, айниқса, отанинг шодлиги оламга сиғмай кетади. Қалбини чек-чегарасиз қувонч, фахр, ифтихор туйғулари қоплайди.

Шундай ажиб туйғулар баробарида фарзанд таъминоти, тарбияси, таълими учун масъуллиқ юкини ҳам ҳис қила бошлайди. Фарзандларини илмли, хунарли, ахлоқли қилиб тарбиялаш ҳам оила бошлиғининг зиммасида. Айниқса, ўғил фарзандлар тарбиясида отанинг ўрни бекиёс. Ўғил-қизларининг одоб ахлоқи, таълим-тарбиясига қайғурмаган оталарнинг эътиборсизлиги, бепарволиги натижасида бугун айрим ёшларнинг миссионерлар тузоғига осонгина илинаётгани, турли оқимлар, ёт ғоялар таъсирида “оммавий маданият” қурбонига айланаётгани ачинарли ҳол. Бу эса нафақат ўша оила, балки жамиятнинг фожеасидир. Жамиятнинг ривожланиши эса ёш авлод тарбиясига, таълимига алоҳида эътибор билан ёндашишни, ота-оналар масъулиятини оширишни талаб этади. Айрим ота-оналарнинг масъулиятсизлиги тарбия жараёнида фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари паймол бўлишига, уларнинг руҳий ва жисмоний зўриқишларига сабаб бўлмоқда. Яқинлари томонидан зўравонликка, руҳий босимга учраётган болаларнинг турли ҳиссий касалликларга дучор бўлаётганлари ҳам айни ҳақиқат.

Бугунги кунда ёшларимиз орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик



ОТА ХОМ УЗУМ ЕСА...

ҳолатларининг ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай иллатларга сабаб бўлаётган омиللардан бири оилаларда отанинг ўрни пасайиб бораётгани, айрим оталарнинг фақат таъминотчига айланиб қолаётгани, фарзанд тарбиясини бутунлай онанинг зиммасига юклаб қўяётганидир балки?! Бу хусусда жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида “Оталик масъулияти нима?” деган саволга уларнинг аксарияти, фарзандга тўғри тарбия бериш, дея жавоб беришди. Лекин: “Фарзандларимни ҳеч кимдан кам қилмаяпман: егани олдида, емагани кетида. Кийимларнинг сарасини, телефонларнинг брендини олиб беряпман. Шу-да, бизнинг бурчимиз!”, деган жавоблар ҳам бўлдики, бу, отанинг асосий масъулияти — фарзандларни моддий жиҳатдан таъминлаб қўйиш, деб ҳисоблайдиган ота-оналар ҳам кам эмаслигини кўрсатади...

Фарзанд тарбияси масаласида доимо муҳокамаларга сабаб бўладиган яна бир савол бор: “Болага тарбияни ким бериши керак, ота-онами ёки мактаб?” Бола одобли, тарбияли бўлса, муваффақиятларга эришса, бу менинг тарбиям, дейдиганлар кўп бўлади. Аксинча бўлса-чи? Ота-она бандлигини рўқач қилиб, мактабни айбласа, мактабнинг асосий вазифаси таълим бериш, дея ўзларини оқлашади ўқитувчилар.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида учраётган нохуш ҳолатларнинг илдизи энг аввало, оилага бориб

тақалади. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг “ёшариб” бораётганига аксарият ҳолларда оиладаги носоғлом муҳит, ота-оналар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, фар-

тўлиқсиз (ота ёки онасиз) оилада вояга етганини кўрсатади. Ота ёки онанинг жиноят содир этиши эса боланинг ҳам жиноят кўчасига бошловчи асосий омиллardan бири саналади.

Фарзанд тарбиясида узлуксизликни таъминлайдиган яна бир маскан мактабдир. Умумтаълим мактабларида эркак ўқитувчиларнинг камайиб бораётгани ҳам жамиятнинг оғриқли муаммоларидан бири.

...Пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларидан бирида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида иш бошлаганимда мазкур билим даргоҳи ўқитувчилари орасида эркак педагогларнинг кўплигидан қувонгандим. Шўхлик қилаётган болаларнинг, “фалончи ака келяптилар”, деган гапдан сергак тортиб қолишаётганига гувоҳ бўлиб, “бўлар экан-ку”, деб қўйгандим ўзимга ўзим. Орадан кўп фурсат ўтмай мактабга борсам, эркак ўқитувчилар ўрнини яна аёллар эгаллашибди. Айтишларича, улар кўпроқ маош тўланадиган иш топишган эмиш...

Оталик бурчи, масъулиятини фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай едириб-ичириш, кийинтиришдангина иборат, деб биладиган оталаримиз даромад илинжида хорижга чиқиб кетаверишса, оилада отанинг ўрнини, ота меҳри етишмаётган болалар қалбидаги бўшлиқни қандай тўлдирамыз?! Меҳрнинг кўзда эканлигини, меҳрсиз берилган тарбия гулдан тикан ундиришини уларга қандай тушунтирамыз?! Мактаблардаги эркак ўқитувчиларимиз каттароқ маошли иш излаб кетаверишса, аёл ўқитувчиларга бўй бермаётган ўқувчилар тарбиясидаги ноқисликларни қандай бар-тараф этамыз?!

Ваҳоланки, бугунги кунда дунёда кечаётган қалтис вазият, айрим давлатлардаги нотинчликлар, бошбошдоқликлар ҳар биримиздан огоҳликни, ўз оиламизни, фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилишни тақазо этади.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, инсон организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, муқаддас динимизга ҳурмат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш учун уларнинг онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз лозим. Токи, ёшларимиз ўзлигини теран англайдиган, миллий, умуминсоний қадриятларни қадрлайдиган комил инсон бўлиб етишсин. Бунинг учун эса ҳар биримиз ўз ўрнимизни билсак, зиммамиздаги бурч ва масъулиятни теран англасак, кифоя.

Феруза ЖАЛИЛОВА

ҲАЁТ ЦИКЛИДАГИ МУВОЗАНАТ СИРИ



Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг фақат маҳсулот ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатиши билан чекланиш етарли эмас. Унинг узоқ умр кўриши, рақобатга дош бериш қобилияти ва ривожланиш салоҳияти, аввало, молиявий ресурсларни қандай бошқаришига боғлиқ. Қисқача айтганда, пул маблағлари, инвестициялар, кредитлар ва бошқа ресурслар тўғри бошқарилмаса, энг яхши маҳсулот ҳам бозорда ўз ўрнини йўқотиши мумкин.

Хар қандай корхона ўз тараққиётида тўрт асосий босқичдан ўтади:

1. Келиб чиқиш — фаолият бошла-надиган босқич; кўп ҳолларда ташқи маблағлар ёрдамида.

2. Ўсиш — даромад ортиб, бозор улushi кенгайди; молиявий эҳтиёж ҳам шунга яраша ошиб боради.

3. Етуклик — фаолият барқарорла-шади; ресурслардан самарали фойда-ланиш биринчи ўринга чиқади.

4. Пасайиш (қариш) — янгила-нишга эҳтиёж ортиб боради; хатарлар ва хара-жатлар ошиши мумкин.

Хар бир босқичда молиявий ресурс-ларга бўлган талаб, уларнинг манба-лари ва фойдаланиш йўллари тубдан фарқ қилади. Масалан, фаолиятнинг дастлабки босқичида корхона инве-стиция излайди, ўсиш босқичида эса айланма маблағларга эҳтиёж кучаяди. Етуклик босқичида оптималлаштириш, пасайишда эса таваккалларни мини-маллаштириш муҳим бўлади.

Шуни унутмаслик керак: корхона бу — фақат бино, ускуна ёки юридик шахс эмас. У — ички салоҳиятга эга, тизим-ли фаолият юритувчи организмдир. Унинг ичидаги жараёнлар, ходимлар ўртасидаги муносабатлар, бошқарув услуги, ишлаб чиқариш ва молия бло-клари ўртасидаги мувофиқлик — бу-ларнинг барчаси молиявий қарорларга бевосита таъсир қилади.

Шунинг учун ҳам, замонавий моли-явий бошқарув — бу фақат “даромад ва харажатни ҳисоблаш” эмас, балки кор-хонанинг ҳар бир ҳаёт цикли босқичига мослаштирилган стратегик ёндашув-ларни қамраб олиши лозим.

Бошқарувдаги муваффақият корхо-нанинг ички имкониятларини қанчалик оқилона фаоллаштириши ва уларни ташқи муҳит билан уйғунлаштириши билан бевосита боғлиқ. Бу жараёнда бир қатор ташкилий хусусиятлар мав-жуд бўлиб, уларни молиявий бошқа-рувда ҳисобга олиш зарур.

Молиявий бошқарувнинг асосий ху-сусиятлари ва уларнинг аҳамияти:

1. Кўшилмаслик (нон-аддитивлик). Корхонанинг молиявий натижалари фақат алоҳида бўлимлар фаолиятининг йиғиндиси эмас. Уларга етакчилик ус-луби, ходимлар салоҳияти ва корпора-тив муҳит ҳам таъсир қилади.

2. Вужудга келиш зиддияти. Корхона раҳбарияти харажатларни камайтириш-ни истаса, ходимлар юқори иш ҳақини талаб қилиши мумкин. Бу зиддиятни бартараф этиш учун балансланган мо-лиявий сиёсат талаб қилинади.

3. Синергия. Бўлимлар ўзаро ҳам-корликда ишласа, натижа анча юқори бўлади. Бу бюджетлаштириш ва сармоя сиёсатини мувофиқлаштириш орқали амалга ошади.

4. Мултипликативлик. Айрим моли-явий қарорлар (масалан, инвестиция ёки кредит олиш) бир вақтнинг ўзида

бир нечта ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бироқ улар нотўғри бошқарилса, мураккаблашган жараён-лар натижани салбий кўринишда ҳам шакллантириши мумкин.

5. Барқарорлик. Аниқ молиявий на-зорат ва оптимал ташкилий тузилма корхонанинг барқарор молиявий фао-лиятини таъминлайди.

6. Мослашувчанлик. Молиявий бо-шқарув ташқи муҳитдаги ўзгаришлар-га тез ва самарали жавоб бериши керак (масалан, солиқ сиёсатининг янгила-ниши, инфляция, валюта курслари).

7. Марказлашув ва изоляция. Корхо-нанинг барча бўлимлари марказлашган бошқарувга бўйсунса, ресурслар оқи-ми тўғри йўналтирилади. Бироқ айрим бўлимлар фақат ўз манфаатини кўзла-са, умумий стратегияга зиён етказиши мумкин.

8. Мувофиқлик. Корхонанинг уму-мий молиявий мақсадлари бўлимлар мақсадлари билан уйғун бўлиши шарт. Акс ҳолда ички ихтилофлар юзага ке-лиши мумкин.

9. Тескари алоқа. Молиявий бошқа-рувнинг ҳар бир босқичида натижалар таҳлил қилиниб, улар асосида янги қа-рорлар қабул қилиниши керак. Бу — бо-шқарувни доимий такомиллаштириш-нинг асосий механизми.

Нега бу ёндашув долзарб?

Корхонанинг турли ҳаёт цикли босқичларида молиявий бошқарувга индивидуал ёндашув талаб қилинади:

Келиб чиқишда — ликвидликни таъминловчи хавфсиз молиялаштириш (масалан, хусусий сармоя, субсидия-лар) асосий аҳамиятга эга.

Ўсишда — айланма капитални кен-гайтириш, кредит воситаларидан сама-рали фойдаланиш ва тез фойда келти-рувчи инвестициялар муҳим.

Етукликда — дивидендлар сиёсати, ички маблағлардан унумли фойдала-ниш ва молиявий барқарорликка эъти-бор қаратилади.

Пасайишда — харажатларни опти-маллаштириш, инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва мослашувчан стратегик қарорлар қабул қилиш зарур.

Молиявий бошқарувнинг юқорида-ги хусусиятлари ҳар бир корхона ҳаёт цикл босқичида алоҳида аҳамиятга эга. Уларни ҳисобга олган ҳолда, ақл-ли ресурс таксимоти, мувозанатлашган молия сиёсати ва стратегик мослашув орқали корхона нафақат бозорда ўз ўр-нини мустаҳкамлайди, балки миллий иқтисодиёт барқарорлигига ҳам ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳаёт цик-ли босқичида ресурс айланувчанлиги, рентабеллик ва тўлов қобилияти каби молиявий кўрсаткичларни баҳолаш учун мос индекс ва меъёрий чегаралар

ишлаб чиқиш ҳам тавсия этилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун молиявий ресурсларни бошқаришда ҳар бир босқичга мос индивидуал ён-дашув, аниқ таҳлил ва рақамли молия инструментларидан фойдаланиш сама-радорликни таъминлайди. Бу нафақат ҳар бир корхона, балки мамлакат иқти-содиётининг барқарор ўсиши учун ҳам муҳим ҳисобланади.

2025 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон-даги корхоналар молиявий ресурслар-ни бошқаришда бир қатор амалиётдаги тўсиқлар ва самарадорликни пасайти-рувчи омиллар билан тўкнаш келмоқда. Булар қуйидагиларда ифодаланади:

1. Молиялаштириш манбалари чекланганлиги

Айниқса, янги ташкил этилган ки-чик ва ўрта бизнес (КўБ) субъектла-ри учун банк кредитларига эга бўлиш даражаси паст бўлиб қолмоқда. Ҳатто имтиёзли кредитлар механизми мавжуд бўлса-да, амалий татбиқда бюрократик тўсиқлар, тўлиқ қафолат талаблари ва юқори баҳолаш талаблари корхоналар-ни жиддий чекламоқда. Давлат қафола-тидаги “start-up” фондларини кенгайти-риш, молиявий технологиялар асосида альтернатива маблағ шакллари (кра-удфандинг, финтех платформалар) ри-вожлантириш ва замонавий скоринг тизимларини жорий этиш.

2. Молиявий таҳлил маданияти етишмаслиги

Кўпгина корхоналарда молиявий ҳисобот таҳлили ёки жорий бюджет-лаштириш профессионал даражада олиб борилмаяпти. Ҳақиқий ликви-длик, рентабеллик ёки айланувчан-ликни баҳолашга эмас, фақат ҳисобот топширишга йўналтирилган ёндашув устуворлик қилмоқда. Корхоналарда “молиявий менежмент бўлимлари”ни ташкил этиш, рақамли молия инстру-ментларини (Power BI, 1C аналитика, Excel dashboards) жорий этиш ва ушбу соҳада амалий малака курсларини маж-бурий тартибда йўлга қўйиш.

Ҳаёт цикли моделларини инкор этиш

Корхоналарнинг кўпчилиги фаоли-ят даврини таҳлил қилмасдан бир хил молиявий сиёсат юритишни давом эт-тирмоқда. Бу эса ўсиш босқичидаги субъектларга ресурс етишмаслиги, қа-риш босқичида эса ортиқча харажат-ларни келтириб чиқармоқда. Корхона ҳаёт циклини баҳоловчи тизимли диа-гностика методикасини ишлаб чиқиш (масалан, SWOT + LC матрицалари), шунинг асосида бюджетни ва инвести-цион сиёсатни қайта форматлаш.

4. Давлат билан муносабатда шаф-фофлик етишмаслиги.

Айниқса, солиқ режалаштириш, давлат харидларида қатнашиш, субси-

диялар олишда маълумотлар шаффоф эмаслиги сабабли, кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги “молиявий экотизим” яратиш, жумладан — дав-лат субсидиялар ва тендерларда очиқ маълумотлар платформаларини ишга тушириш.

Ўзбекистон амалиётида молиявий ресурслар бошқарувини корхона ҳаёт цикли босқичларига мослаштириш на-фақат назарий, балки амалиётда ҳам кучли эҳтиёжга эга. Буни таъминлаш учун:

1. Молиявий таҳлилни автомат-лаштириш

Корхона фаолиятини доимий ра-вишда таҳлил қилиш, қарздорлик, ликвидлик, фойдалилик каби кўрсат-кичларни реал вақтда кузатиш имко-нини беради. Бу эса тезкор молиявий қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

2. Солиштирма стандартлар ишлаб чиқиш

Корхонанинг қайси ҳаёт цикли босқичида эканлигини ҳисобга олган ҳолда, молиявий кўрсаткичлар учун махсус меъёрий чегаралар (бенчмарк-лар)ни яратиш керак. Масалан, ўсиш босқичида қарз юкламаси юқори бўли-ши мумкин, лекин етуклик босқичида — барқарор фойда ва кам таваккаллик муҳим бўлади.

3. Қайта алоқа тизимини жорий этиш

Молиявий бошқарувда feedback ме-ханизми — яъни натижалар асосида такрорий таҳлил қилиш ва керакли тузатишлар киритиш тизими жорий қилиниши шарт. Бу орқали корхона ўз ресурсларини самарали таксимлайди ва келгуси таҳдидларга тайёр бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётида корхона-ларнинг барқарор ривожланиши учун молиявий ресурсларни ҳаёт цикли босқичларига мослаштирилган ҳолда бошқариш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ўта муҳим-дир.

Бунинг учун:

- рақамли таҳлил воситаларидан фойдаланиш,

- аниқ молиявий стандартлар ва меъ-ёрларни жорий этиш,

- ва тизимли мониторинг орқали узлуксиз таҳлил қилиш механизмлари ишлаб чиқиши зарур.

Шундагина мамлакатда рақобатбар-дош ва узоқ муддатли ривожланишга эга корхоналар сони кўпайиб, инвести-ция муҳити янада жозибадор, иқтисо-дий барқарорлик эса янада мустаҳкам бўлади.

Наргиза ЖИЯНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети “Молия ва молиявий
технологиялар” кафедраси
профессори, иқтисодиёт фанлари
номзоди



ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Дунё миқёсида экологик масалалар тобора глобал аҳамият касб этиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу жараёнда амалий чора-тадбирлар билан бирга экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат ҳам узвийлик касб этаётгани, қувонарли ҳол.

Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил 15 майдаги “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғриси”даги қарори ҳам бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу қарорда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, ушбу йўналишда давлат органларининг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларини ҳамда фуқароларнинг экологик билимларини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, таълимнинг барча бўғинларида экологик таълим ва маданиятни ўзаро боғлиқликда ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилган.

Қарорда кутилаётган мақсадли кўрсаткичлар ҳам белгиланган бў-

либ, 2030 йилда 3,3 миллион нафар мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида экологик маданиятнинг шаклланиши, 4,2 миллион нафар умумий ўрта таълим тизими ташкилотлари ҳамда 400 минг нафар ўрта махсус ва касбий таълим тизими ташкилотлари ўқувчиларида экологик таълим-тарбиянинг мустаҳкамланиши, 1,9 миллион нафар олий таълим тизими ташкилотлари талабаларида ҳамда 90 фоиз давлат органлари, корхона ва муассасалари ходимларида экологик маданиятнинг юксалиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, бу кўрсаткичларга эришиш учун дастурий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳам ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Қарор билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича Концепциянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни

шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, аҳолининг барча қатламларида экологик маданиятни, шу жумладан, “яшил” истеъмол маданиятини янада юксалтиришдан иборат.

Концепцияда аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини таъминловчи, аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш чора-тадбирларини назарда тутувчи ҳуқуқий асосларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, мактабгача таълимдан бошлаб аҳоли барча қатламларининг экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш тизимини такомиллаштириш, ушбу жараёнда иштирок этувчи таълим ташкилотларининг вазифаларини аниқ белгилаш бўйича чора-тадбирлар белгилангани муҳим жиҳат саналади.

Президентимизнинг ушбу қарорида олий таълим тизими ташкилотларида экологик маданиятни юксалтириш йўналишида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, эндиликда ихтиёрийлик асосида барча олий таълим муассасалари талабаларини бирлаштирувчи

Ўзбекистон эковолонтер талабалари ҳаракатини ташкил этиш ва унинг доимий фаолият юритишини йўлга қўйиш, бакалавр ва магистратура босқичларининг экология йўналишларидаги ўқув адабиётларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни атроф-муҳитни асраб-авайлашга бағишланган мавзулар билан бойитиш чораларини кўриш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, талабаларни долзарб экологик маданият ва экология муаммоларига бағишланган магистрлик диссертациялари тайёрлашга, илмий-тадқиқотлар ўтказишга кенг жалб қилиш, олий таълим муассасаларида экоклублар ташкил қилиш, ёшларнинг экология йўналишидаги инновацион лойиҳаларини рағбатлантириш мақсадида стартап лойиҳалар танловини эълон қилиш, давлат олий таълим муассасаларида андрагогика усулида барча қизиқувчилар учун бегараз, очик маърузалар ўтказиш ва уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳам, ёшларнинг экологик билимларини бойитиш, илмий жараёнларга жалб этишда катта ўрин тутаяди.

Шоҳсанам ЭРМАМАТОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Рақамли
иқтисодиёт кафедраси
ассистенти

РЕКЛАМА ПАРДАЛИ БЎЛИШИ КЕРАК (МИ)?!

Бу дунёда ҳар бир инсон ўз қараши, фикри, эҳтиёжи билан туғилади. Шу жумладан, онгимиз ва тафаккуримизга ташқи оламдаги воқеа-ҳодисалар, ҳар бир нарса ижобий, лекин айни кунда кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир сиз билан фикр юритмоқчи бўлган мавзу ташқи ва телевидение орқали узатиладиган баъзи рекламалар тўғрисида.

Реклама — бу ўша маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишдир, деб биламан. Ана энди савол туғилади: аслида ҳам шундайми? Барча рекламаларда ҳам бу қоидага амал қилишмайди. Тўлиқ маълумот бераман деб бироз ошириб юборишади. Бунга мисол қилиб биргина метронинг Алишер Навоий бекатидан ташқарига чиқаверишдаги зинапоё олдида жойлаштирилган рекламани кўриб, ҳайрону лол қоласиз. Очiqдан-очиқ аёллар касаллигига мўлжалланган дори воситаси ҳақидаги маълумотни расми билан осиб қўйишган.

Бундан ташқари, нафақат аёллар, балки эркаклик қувватини оширувчи дори воситаларининг тўғридан-тўғри бериб борилишини ҳам уятли ҳолат деб биламан.



Президентимиз томонидан 2022 йил 7 июнда тасдиқланган “Реклама тўғрисида”ги қонунда ҳам реклама қерда қандай жойлаштирилиши кўрсатиб ўтилган. Яъни ушбу қонунда алоҳида “ахлоқсиз реклама” банди бор. Бунда “маданиятимизга, онгимизга, миллий урф-одатларимизга салбий таъсир қилиш” дея таъриф берилди.

Масъуллар бир ўйлаб кўришса, яхши бўлар эди. Метродан фақатгина хотин-қизлар фойдаланмайди. Бир кунда неча миллион эркак ва аёл, қиз ва ўғилга хизмат қилади. Айниқса, улар ичида вояга етмаган ука-сингилларимиз ҳам бор. Улар бундай ҳолатларни кўриб, қандай ҳаёлга

боришади? “Дада ёки оғи, бу нима?” деб сўраб қолишса, қандай аҳволга тушилади.

Ваҳоланки, рекламаларни қерга қандай жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 августдаги “Ташқи реклама ва ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида барча тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса ўрнида менинг таклифим, мана шундай жамоат жойларига жойлаштириладиган, телевидение орқали узатиладиган рекламаларни қайсидир ташкилот ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўз назоратига олиши керак.

**Мухаммадсодиқ
ТЎРАЕВ**



МАЖБУРИЯТ ҲАЛОВАТИ

Ўшанда у Америкада эди. 30 кишидан иборат турли касб вакиллари Тошкент билан биродарлашган шаҳар Сиэтлнинг диққатга сазовор жойларида, жумладан таълим муассасаларида ўқув жараёнини кузатишарди. Бу мактабларда ўқиган ўқувчилар дунёнинг манама деган университетларида ўқишга интилишади. Олий таълим муассасаларида эса Нобель мукофоти совриндорлари ишлашади. Билим олиш учун ажойиб шароит яратилган. Ҳар синфда 20 та, нари борса 25 та бола ўқийди. Хўш, у ердаги тажрибаларнинг қайси бирларини ўзимизда тадбиқ этиш мумкин? Кеч бўлганда касбдошлар шу масалани муҳокама қилишар, эътиборли жиҳатларни ҳисобга олишарди.



Сафар тугашига 2-3 кун қолганда делегация раҳбари Абдукаххор Тўхтаев Ўзбекистонга қўнғироқ қилиб, Сиэтл сафари ҳақида қисқа ҳисобот берди. Телефонда Тошкент шаҳар ҳокими эди. Гап орасида ҳоким сўраб қолди:

– Сизлар билан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислон Зокиров ҳам бор эди. У киши шу ердами?

– Ҳа, Ислон Исҳоқович ёнимда турибди.

– Ислон акани табриклар кўйинг, бугун Ўзбекистон Президентининг Фармони эълон қилинди. Унга кўра, Ислон Зокиров “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан тақдирландилар.

Ислон Исҳоқович бу хабардан қаттиқ ҳаяжонланди. Наҳотки...

Воқеа бундай бўлганди. Юқори идорадан бир масъул шахс Ислон Зокировга қўнғироқ қилди. Учтепа туманида бир фидойи ўқитувчи бор. Ўша кишини мукофотга номзодлар рўйхатига киритиб қўйсангиз.

– Узр, биз бу ишни қилолмаймиз. Ҳамма номзодлар ҳужжати аллақачон юборилган. Уни шаҳар ҳокими тасдиқлаб жўнатади.

– У ҳолда ҳоким билан гаплашамиз.

Орадан кўп ўтмай бош бошқармаси бошлиғига Тошкент шаҳар ҳокими қўнғироқ қилди.

– Учтепалик ўқитувчининг мукофотлаш варағини тўлдириб бизга етказинг. Дарвоқе, Ислон ака, сиз давлат мукофоти олганмисиз?

– Биз сиздан гап эшитмай ишласак, шунинг ўзи мукофот.

– Ундай бўлса эшитинг. Бояги ҳужжат ёнига ўзингизни тақдирлаш учун мукофотлаш варағини тўлдириб юборинг. Ахир барча вилоятлар эришган кўрсаткичлар орасида таълим мазмуни бўйича сиз қўлга киритган рейтинг юқори эканлигини биламиз-ку...

Демак, ҳокимнинг тавсияси ўтибди-да. Тақдирни қаранг, бу қувончли хабарни ватандан узоқда Америкада эшитиб турса. Ўша жойнинг ўзида 10 кишилик дастурхон ёзилди. Сафардошлар Ислон Исҳоқовични бу ютуқ билан табриклашди. Қани

энди, бир мўъжиза бўлсаю Ислон Зокиров жонажон Ватанида бўлиб қолса. Ўша куни тунда у кишининг уйқуси қочиб кетди. Тонгга яқин кўзи илиниб, тушига падари бузруквори Исҳоқ ота кирибди. “Ҳа, болам, масъул ишда одамлар тақдирига жавобгарсан, сен ана шуни унутмагин” деярниш. Эҳ, қани энди бугун отам ҳаёт бўлганида қанча хурсанд бўлар эдилар. Дуо қилар эдилар.

Сафарнинг қолган икки куни бир йилдай ўтди. Ниҳоят Ватанга қайтадиган бўлишди. Америка дунёнинг энг пешқадам диёри. Лекин барибир биз учун Ўзбекистондан зўри йўқ. Самолёт гилдираги Тошкент заминига тақ этиб қўнганида бутун салондагилар қарсақ чақиб юборди. Ахир туғилган Ватанга етиб келишди. Йўловчилар чиқаётган йўлакдан ташқарига қадам қўйишса, оила аъзолари, қариндош-уруғлари, ҳамкасблар кутиб туришган экан. Шу лаҳзада Ислон Исҳоқович онадан қайта туғилгандай бўлиб ўз яқинлари билан кучоқ очиб қўришди. “Табриклаймиз, яхши келдингизми?” дея қарши олишди. Ҳа, олис сафардан келиш ҳам, яқинда эълон қилинган мукофот хабари ҳам табрикка арзир эди.

Машинага ўтириб уйга етиб келишди. Ислон Исҳоқович машҳур рус ёзувчиси Василий Писковнинг бир китобида ўқиганди: “Ҳар қандай саёҳатда энг қувончли лаҳза – бу уйга қайтиш”. Жуда тўғри гап.

Қаҳрамонимизнинг ҳовлиси чинакам байрамга айланиб кетди. Лекин қутилмаганда уй телефони жиринглади. Нима гап? Маълум бўлишича, эртага шаҳар ҳокими Олмазор туманидаги Меҳрибонлик уйига борар экан, унда бошқарма бошлиғи иштирок этиши шарт. Юракка ғулғула тушди.

Сўраб суришгирса, бўлар иш бўлиб, бўёғи синган экан. Бир-икки кун олдин телевидениеда “Тахлилинома”да Меҳрибонлик уйидан жуда каттиқ танқидий кўрсатув берилибди.

Эртаси куни айтилган жойга боришди. Ҳамма нарса жой-жойида, ҳовлида гуллар чамандай очилиб турибди. Лекин ходимларнинг кайфияти тушган. Юқори идора раҳбарига тегишли бир опа келиб ходимларга дўқ қилибди. “Ҳаммангни қаматаман” деган сўзни айтибди. Овқатланишдан бўшаган идишларни тасвирга олиб, “Мана, тушликка ҳеч нарса йўқ” деган изоҳ берилибди. Меҳрибонлик уйи деректори ўринбосари лавозимида ишловчи ёши катта онахон “Сен менинг кизим тенги экансан, нега бақирасан” деб эътироз билдириб-

ди. Кўрсатувдан кейин масалага прокуратура аралашибди. Тергов ваҳимаси ҳамма жойни тутибди. Пировардида бир қанча одам ишдан бўшатишган Ислон Исҳоқович “хайфсан” билан сийланибди. “Яхшиси, мен ариза ёзиб вазифани топшира қолай” деганида бояги опага гапи ўтмайдиган раҳбарлар ҳеч нарса дейишолмабди.

“Эҳ, Америкада кўрганларим асосида бир қанча таклифларим бор эди” дея ҳафсаласи пир бўлган бошлиқни Халқ таълими вазирлигига маслаҳатчи лавозимига олишди. Ахир у таълимнинг паст-у баланд жойларида ишлаб катта тажриба орттирганди. Институтдан кейин касб-хунар таълими юртида ўқитувчи, директор ўринбосари, директор, 77-мактаб директори, Ҳамза (ҳозирги Яшнобод) туман халқ таълими бўлими мудири, Тошкент шаҳар касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келганди. Вазирликда бир йилга етар-етмай ишлагач, Республика Таълим маркази директорлигида фаолият юритди. Бу идорада ишловчилар сони қарийб 200 тага етиб, вазирликдаги ходимлардан кўп эди. Ислон Исҳоқович ушбу ташкилотда 14 йил ишлади, марказ ўша даврда мамлакат бўйича 10 мингдан ортиқ мактаблар учун 7 тилдаги дарсликлар, ўқув дастурлари, турли хил услубий қўлланмаларни яратиш билан шуғулланди. Марказда ташкил этилган ҳайъат гуруҳи таниқли олимлар, вазирлик, вилоят ва шаҳар бошқарма услубчилари ҳамда илғор фан ўқитувчиларидан ташкил топган эди. Ислон Исҳоқович шу даргоҳда ишлаганда педагогика фанлари номзоди диссертациясини ёклади.

Ҳар қандай инсоннинг баҳосини ҳамкасблари ва устозларидан ҳеч ким ўтказиб айтолмайди. Шу маънода академик Рисбой Ҳайдарович Жўраевнинг сўзларига қулоқ тутайлик.

– Мен Ислонжонни ёшлигидан, ҳали юртимизга Ислон Зокиров бўлиб танилмаган даврдан жуда яхши биламан. Пахта йиғим-терими айни кизиган пайт Сирдарё вилоятида пахта тераётган билим юрти ўқувчиларидан, яъни ҳашарчилардан хабар олгани бордик. Гулистон туманида пахта териб бир ой давомида биринчилиқни қўлдан бермай келаётган 44-техника билим юрти ўқувчилари билан танишмоқчи бўлдик. Бизни директор вазифасини бажарувчи: қорачадан келган, қотма, ҳали 30 га ҳам қирмаган ёш йигит қутиб олди. Бу Ислон Зокиров эди. Ёш раҳбар билан суҳбат давомида ишлаб чиқариш усталари ва ўқувчилари ўртасида самимий ва дўстона муносабат ўрнатилганлиги, ўқувчилар учун пахта йиғим-теримидан сўнг кизикарли маданий тадбирлар ўтказилаётганлигига амин бўлдик. Ҳаёлимдан “Келажаги бор йигит экан” деган фикр ўтди. Шундан кейин бу йигит билан турли даврларда, турли ҳолатларда учрашдик. Ҳар сафар унинг навқирон авлодга меҳри яққол кўриниб турарди.

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Тимур Ширинов Ислон Зокиров ҳақида бундай деди:


– Хизмат юзасидан Ислон аканинг суҳбатларини олдим. Сўзларида маъно бор эди, мактаб муаммоларини яхши биладиган инсон эканлиги кўриниб турар эди. Сўзлари дон-дона ва яна мен учун, энг муҳими, у кишининг чиқишлари қон-қонимизга сингиб кетган, ўзбеклигимизнинг бир хислатига айланиб кетган туйғу, бу муросаю мадора билан суғорилган эди. Ислон аканинг ҳаётга бўлган муносабати, маданияти менинг танимга яқин эди. Ўша кунларга ҳам 10 йилдан ошибди. Мен 2013 йили вазирлик вазифасидан кетдим, бошқа юмушлар билан банд бўлдим. Кўнглингиздан бир гап ўтгандир “Лавозимдан кетгандан кейин одамлар сиздан юз ўгириб кетдимми?” Йўқ ундай бўлмади, ўша хурмат, ўша иззат давом этди. Биз маслақдошлар таълим фидойилари йиғилишиб “Машварат” гуруҳини туздик. Тўпланганимизда ҳам асосан таълимнинг долзарб масалаларини гаплашамиз. Бу гуруҳга Ислон Зокиров бошчилиқ қилади.

Таълим тизимида ишлаб “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган Камолиддин Ғопиров бундай дейди:

– Ислон Зокировнинг шу кунгача босиб ўтган умри жуда-жуда баракали. У кишининг келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодга таълим-тарбия бериш борасидаги фаолиятининг ўзи йирик бир асардир. Республика таълим маркази ўқувлар ташкил қилиб, бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ йўналишлар ва кўрсатмалар беради. Ислон Зокиров раҳбарлигида ўз навбатида давлат таълим стандарти ва дастурларга тақриз олиш учун кўплаб нуфузли олий таълим муассасаларига ҳамда “Маърифат” газетаси орқали умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, жойлардан олинган фикр-мулоҳазалар асосида қайта ишлаб, барчага маъқул бўладиган давлат таълим стандарти ва дастурлар яраталиб амалиётга жорий қилинди. Бу жуда кенг қамровли иш бўлиб, бутун таълим тарихида катта роль ўйнади.

Ўқитувчиликни беҳаловат касб дейишади. Очигини айтганда, қайси касбда ҳаловат бор. Дунё касблари ичида тақсичилик энг заҳматли деб қайд этишган. Лекин шуниси борки, муаллим жонли инсон билан ишлайди. Ўқувчининг қандай фикрлаши, нималарга интилиб яшаши ўқитувчи маҳоратига боғлиқ. Унинг назорати ҳар кунги 5-6 соатлик дарс билан чегараланмайди. “Устозим талабларига жавоб беришим керак” – ана шу бурч рўёби ўқитувчида ҳаловат, ўзидан қониқиш ҳосил қилади. Бунинг учун туну кун шу касб билан яшаш, уйғоқ бўлиш керак. Ислон Исҳоқович шогирдларига шу қонидани тинмай уқтиради.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист



«Бизнинг оналаримиз нонни чиқитга ташлайдиган аҳволга келганди...»

Кўпинча исрофгарчилик ҳақида гап кетганда, фақатгина ўзимиз аниқ кўрган маҳсулот ёки кийим-кечак ҳақида ўйлаймиз. Дейлик, тўйларда, дастурхонга қўйилаётган неъматлар ҳаддан зиёд кўплиги, уларнинг баъзилари айниқса иссиқ кунларда чиқитга ташланаётганини афсус билан гапирамиз.

Айниқса, битта никоҳ тўйи билан боғлиқ кетма-кет бир нечта маърака маросимларни ўтказиб қўганимиз эса ошиб тушади. Бу нафақат тўйчи, балки ўша, тўйга бораётганларнинг ҳам исрофгарчилиги, аслида. Нега дейсизми?

— Яқинда Эрон давлатида малака ошириб келишимга тўғри келди, — дея гапириб беради олий таълим муассасаси ўқитувчиларидан бири. — Уларнинг иш услуби, ҳар бир берилган вазифани виждонан бажаришига ҳавас билан қарадик. Шунингдек, эронликларнинг яна бир жиҳати алоҳида эътиборимизни тортди. Уларнинг озик-овқат, овқатланиш масаласида меъёрга ҳаддан ортиқ риоя қилиши. Улар нафақат кундалик овқатланишда, балки турли туғилган кун ва бошқа оилавий маросимларда ҳам умуман исрофгарчиликка йўл қўймас экан. Никоҳ маросимлари аллақачон емаксиз ўтказилиши йўлга қўйилган, фақат озчилик истовчиларгина

бунга руйхўшлик берар экан. Нега бундай йўл тутишларини сўраганимизда “ахир увол борку, озик-овқат ҳам неъмат, уни исроф қилиш яхшимас, биз унинг жавобидан қўрқамиз”, деган фикрни айтишди.

Аслида азал-азалдан уволдан қўриб, ноннинг ушоғини ҳам кўзимизга суриб, четга олиб қўядиган бизнинг халқ эмасмиди? Яқин-яқингача ота-боболаримиз увол бўлади, дея, ўзи таомланган идишдаги ёғ қолдиғини ҳам тозалаб қўйишганини яхши эслаймизку. Овқатни тўкиш у ёқда турсин, ҳатто қотиб кетган нонлардан ҳам янгича таом тайёрлайдиган бекаларимиз ҳозир ҳам борку.

Озик-овқатга, дастурхонга нисбатан бундай исрофгарчиликка қачон кўникдик биз? Ваҳоланки, баъзи тўй-маъракаларда биз кўзимиз билан кўрган неъматлардан ташқари ҳам қанча неъмат исроф бўлаётганини биласизми? Қандай дейсизми? Сиз ва ёнингиздаги шерикларингизга бир товоқ гўшт ва картошка қовурдоқ келтирилди, дейлик. Дастурхонда бу таом келгунича йўқ неъматларнинг ўзи йўқ. Қўзқоринли салатлардан тортиб, қовурилган ва дудланган балиқ, яхна гўшtlару ва яна бошқа тансиқ егуликлардан оз-оздан бўлса-да татиб кўрганингиздан кейин ошқозонингиз «дод» деб юборади. Табиийки, кейин тортилаётган таомлардан тановул ҳам қилолмай қоласиз, баъзида.

Мана шу, бир чуқилаб, ейилмай қолиб кетган бир товоқ қовурдоққа қанча маҳсулот кетишини

жуда яхши биласиз. Аммо унга қанча сув сарфланиши биласизми? Маълумотларга кўра, бир кило мол гўшти учун 15 минг литр сув сарфланар экан. Бир кило картошка учун эса 500 литргача сув керак бўлади. Бунда шунча маҳсулотни етиштиргунга қадар сарфланадиган сув микдори ўлчанган.

Энди буларга қўшиб электр энергияси ва бошқа манбаларни ҳам ўйлаб кўринг. Тўғри, бугун биз аллақачон тўй дастурхонларидаги исрофгарчиликларни ресторан эгларининг бўйнига қўйиб ўрганиб қолдик. Шундай қилмасак бўлмас экан, ресторан эгалари акс ҳолда тўй қабул қилмасмиш, деган баҳона ўзимизга ҳам ёқиб тушади, шекилли, баъзида. Акс ҳолда бундай ҳашаматга лаббай деб жавоб бермаган, унга қўшилиб янгидан-янги исрофгарчиликларни ўйлаб топмаган бўлардик.

Оналаримиз нонни кўзига суртиб четга олиб кўярди, нахот бизни чиқитга ташлайдиган авлодга айландик. Биз қадриятларимиз занжирини шундай узатамизми? Эҳтимол, йиллар ўтиб вазият ўзгарар, кейинги авлод бундай исрофгарчиликларга қарши бош кўтариб, тўйларни ҳам қисқартирган ҳолда, турли ортиқча емакларсиз ўтказадиган бир вақтлар келар, балки. Шунда бизнинг оналаримиз тўйларда дастурхонни синдиргудай безаб, нонни чиқитга ташлайдиган аҳволга келганди, дея ўтмиш ҳақда, яъни биз хусусдаги хулосалар билан қолмоқчимизми тарихда?!

Гулрух МЎМИНОВА

“Eco Expo Central Asia 2025” кўргазмаси иштирокчиларига қандай имкониятлар яратади?

17 июнь куни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА)да Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими Мурод Нурматов иштирокида брифинг ўтказилди. Брифинг “Eco Expo Central Asia 2025” халқаро кўргазмасидан кўзланган мақсад ва кутилаётган натижаларга бағишланди.

Маълумот учун, жорий йилнинг 19–21 июнь кунлари Тошкент шаҳридаги “Central Asian Expo” (CAEx) кўргазмалар мажмуасида “Eco Expo Central Asia 2025” экологик технологиялар халқаро кўргазмаси ўтказилади. Марказий Осиёда илк бор ўтказиладиган ушбу тадбир дунёнинг 25 дан ортиқ давлатини бирлаштириб, CAEx кўргазмалар мажмуасини илғор тажриба алмашинуви, очиқ мулоқотлар ва “яшил” трансформацияни илгари суриш учун йирик майдонга айлантиради.

Кўргазма давомида экспертлар, компаниялар, стартаплар, давлат ва халқаро ташкилот вакиллари энг замонавий ва самарали экологик ечимларини тақдим этишади. Асосий эътибор иқлим барқарорлиги, ресурсларни тежаш ва тоза технологияларни жорий этиш каби долзарб масалаларга қаратилган.

Кўргазма сунъий интеллектдан то “яшил” энергетика, сув ресурсларини тежаш ва экологик таълимгача — келажак технологияларининг барча йўналишларини қамраб олади. Унинг Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан эълон қилинган “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” доирасида ўтказилиши Ўзбекистоннинг ички ислохотларни чуқурлаштириш билан бирга, халқаро экологик ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган қатъий интилишини намоён этади.

“Eco Expo” иштирокчиларга қуйидаги муҳим имкониятларни яратади:

- ўз “яшил” технологияларини

кенг аудиторияга намоёниш этиш;

- янги бозорга чиқиш;
- стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

- глобал барқарор ривожланиш ҳаракатининг фаол иштирокчисига айланиш.

Уч кун давомида иштирокчилар қуйидаги муҳим жараёнларда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлишади:

- инновацион лойиҳалар ва стартаплар тақдимотлари;
- “яшил шаҳарлар”, clean-tech, эко-молиялаштириш, қўриқланадиган ҳудудлар, экологик таълим ва бошқа йўналишларда тематик сессиялар;

- Ўзбекистон вилоятлари, давлат ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий компанияларнинг экологик тажрибалари акс этган кўргазмалари;

- халқаро экспертлар иштирокидаги панел муҳокамалар;

- маҳорат дарслари ва ўқув дастурлари;

- табиат ва инсоният уйғунлигини акс эттирувчи фотокўргазмалар ҳамда арт-экспонатлар;

- экологик меросга бағишланган танловлар.

Кўргазмада минтақанинг энг оғриқли экологик муаммоларидан бири — Орол денгизи масаласига алоҳида эътибор қаратилади, шунингдек, “яшил” транспорт, шаҳарларни ободонлаштириш ва экотуризмни ривожлантириш масалалари ҳам кун тартибидан ўрин олган.

“Eco Expo Central Asia 2025” — бу инновация, барқарорлик ва халқаро ҳамкорлик асосида шаклланаётган янги экологик тафаккур сари дадил қадамдир.

Кўргазмада иштирок этиш — бу нафақат ўзингизни намоён қилиш, балки дунёнинг энг яхши тажрибалари билан танишиш ва минтақанинг экологик келажакига реал ҳисса қўшиш имкониятидир.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Матбуот хизмати

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгариб, техник тараккиёт, ахборот оқимлари ва рақобат кураши тобора кучайиб бораётган бир пайтда, ҳар бир миллатнинг рухий барқарорлиги, маданий изчиллиги ва маънавий юксалиши энг катта бойлик ҳисобланади.

Бу йўлда муסיқий таълим жамиятда нафақат эстетик тафаккурни шакллантиради, балки миллий ўзлик, юксак ахлоқ ва қалб маданиятини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, муסיқий таълим нафақат болалар дунёсига очилган гўзаллик эшиги, балки барча инсонларни гўзалика чорлаб, қалбига ором бағишлаб турувчи манба ҳисобланади.

Педагоглар фикрича, бола онгининг шаклланишида муסיқа таълимнинг таъсири жуда кучли бўлар экан. Бола муסיқани эшитар экан, у на фақат овозни, балки куйнинг мазмуни, руҳи, оҳангининг характери орқали ҳиссий ва ақлий ривожга эга бўлади. Унда гўзалликка интилиш, тинглаш маданияти, диққат ва хотира кучаяди. Шу боис ҳам, айниқса мактаб ёшидаги болаларга муסיқий таълимни илк босқичлардан бошлаб бериш муҳимдир. Миллий муסיқа, халқ руҳиятининг сўзсиз ифодаси саналади.

Ўзбек халқи асрлар давомида муסיқа орқали ўз тарихини, дардини, кувончини, анъанасини ифода этиб келган. Шоирларимиз шеър ёзган, амирларимиз куй эшитган, халқимиз ҳаятини мақом билан безаган. Шу боис, муסיқий таълим нафақат ноталарни, балки миллий руҳни, халқ қалбини ўргатиш воситаси сифатида қаралиши керак.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан муסיқий таълим муассасаларида: Шашмақом, лабижар, танбур, рубоб, дутор, қашқарча каби анъанавий муסיқа йўналишлари, Замонавий созлар ва симфоник муסיқа асослари, Халқаро ижодий йўналишлар ўқув дастурларига киритилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда муסיқа ва санъат таълими соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилди: 300 дан зиёд болалар муסיқа ва санъат мактаблари қайта таъмирланди ва замонавий ускуналар билан таъминланди. Муסיқа мактабларига қабул электрон тизим орқали автоматлаштирилди. Ўқитувчиларнинг малака ошириш дастурлари янгиланмоқда. Ҳар бир ҳудудда халқ ижодига ихтисослашган тўғараклар, ансамбллар ва оркестрлар ташкил этилмоқда. Жумладан, юртимизда муסיқа таълимини инновацион ривожлантириш ва унинг воситасида ёш авлод маданиятини замонавий талаблар асосида оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги қарори ҳам муסיқа соҳасидаги юксалишларнинг парвозида муҳим аҳамият касб этди.



Қарор ижроси доирасида мамлакатимизда мактабгача ва мактаб таълими, болалар муסיқа ва санъат таълими, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида “Муסיқа маданияти” фани кенг ўқитилмоқда. Муסיқа таълими ва ўқитиш бўйича муайян муаммолар кўламини камайтирилишига эришилди.

Юртимизнинг ёш муסיқачилари сўнгги йилларда халқаро танлов ва фестивалларда фаол қатнашиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Бу эса, муסיқий таълим тизимининг сифати ошгани ва дунё билан тенглашаётганининг яққол исботидир. Миллий куй-қўшиқларимизнинг жаҳон сахналарида янграши ҳар бир юрдошимиз учун ғурурли ҳолатдир.

Янаям соддарок қилиб айтидиган бўлсак, муסיқий таълим – бу шунчаки санъатни ўргатиш эмас, балки, бу ёш авлод онги ва кўнглига инсонпарварлик, ватанпарварлик, одамийлик ва яхшилик ҳамда эзгулик каби ҳислатларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Саодат МУРАТОВА,
Ўзбекистон миллий педагогика
университетининг Ижрочилик
махорати ва маданияти кафедраси
ўқитувчиси

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Савдо-саноат
палатаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тadbиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 1600
Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

«Бутерброд» усули ўқувчи билимини ўлчайди

Кўпчилик ота-оналар фарзандларини чет тилида раван сўзлаша олишини исташади. Инглиз тили дарсларида болаларга тилнинг синтактик тузилиши ва сўз бойлигининг кўпайишига кўмаклашиш зарурати туғилади. Жумладан, ўғил-қизларнинг матн тузиш жараёнида боғловчилар ёрдамида гапларни тўғри қўллай олиш кўникмаси шакллантирилади.

Тажриба

Дарсларда методик тавсия кўпинча дарсларда кундалик даражада сўзлашиш нутқини ривожлантиришдан ташқари билим ва кўникмаларни шакллантиради. “Бутерброд”, “Яширин сўз”, “Оркестр”, “Суратларда сўзлаймиз”, “Соябоним тўхтаса”, “Ақлли соат: чик-чик”, “Олтин тарвузчам” каби ноодатий улуллар орқали ўқувчиларнинг инглиз тилини билиш малакаларини ошириш ҳавола этилади.

Шулардан бири мисолида, яъни дарс жараёни баъзида “Бутерброд” усулида олиб борилишини мисол келтирамыз. Масалан, умумтаълим мактабларининг 4-синфлари учун грамматикадан “Preposition of place” – “Жой предлоглари” мавзусини осонроқ усулда тушунтиришга ҳаракат қиламыз. Ушбу предлог бирор шахс ёки буюмнинг жойлашувини билдиради ва отлардан олдин қўйилади.

Инглиз тилида жой предлоглари қуйидагилар: in, under, on, behind;


in – ичида;

on – устида;

under – остида;

behind – орқасида.

Ўқитувчи мавзунини мустаҳкамлаш учун ўғил-қизларни ва бирор ўқув курулини синф-



даги стол, доска, эшик, шкаф, парта каби деталарнинг олдига, устига, тагига, ичига жойлаштириб қўяди ва бу ҳаракат яширин амалга оширилади. Қизиқувчан болалар икки гуруҳга бўлиниб, мусобақа тарзида яширинган тенгдоши ёки детални излашади. Тезда топган ўқувчи ҳолатни инглизча тасвирлаши керак, жой предлогидан мосини, албатта қўллаши шарт бўлади. Мисол учун, “My friend behind the board” (Ўртоғим досканинг орқасида), “A book on under the table” (Китоб столнинг устида)...

Машгулотда ўтилган мавзу тушунтирилгач, ўқувчилар билан жонли усул – “Бутерброд”ни ҳам одатда кўп марта қўллаб кўрамыз ва натижа кутилганидек бўлади. Ўқувчилар дарс якунида бутерброд шакли-



да мавзу юзасидан ўз тушунчалари, олган билимларини такрорлайдилар. 1-нон бўлаги – “бугун мен билган ва такрорлаб олган маълумот” дейилади.

Ичидаги биз учун фойдали бўлган махсулотлар – “бугун мен дарсда ўрганган янгилик” дейилади.

Устидаги нон бўлаги – “дарс давомида мен учун мустаҳкамланган маълумот” дейилади. Дарс якунида ҳар бир болага оппоқ қоғозли карточкалар тарқатилади. Унда ўқувчи икки нон бўлаги ва ичидаги махсулотга киёслаб ўзи тушунганларини уч босқичда ёзиб чикишади: жой предлогларини санаш, предлог қатнашган мисоллар “бугун мен дарсда ўрганган янгилик” қисмига қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, синф ўқувчилари ўбаёнида дарснинг айнан қайси қисми кўпроқ маъқул бўлганини таъкидлаб ўтишад. Бу биз, ўқитувчининг навбатдаги дарсларини янада қизиқарли ва мазмунли ташкил этишига ёрдам беради.

Сожида МАХАММАДИЕВА,
Тошкент шаҳридаги 204-мактабнинг
инглиз тили фани ўқитувчиси



МИКРОКРЕДИТБАНК ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН МУҲИМ КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШДИ

10–12-июн кунлари пойтахтимизда ўтган IV Тошкент Халқаро Инвестиция Форуми (TIIF 2025) доирасида “Микрокредитбанк” АТБ халқаро миқёсдаги бир қатор нуфузли молия муассасалари ва компаниялар билан самарали музокаралар олиб борди.



МКВАНК



Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Буюк Британиядаги филиали — КВС Стандарт Банк Плс билан 15 миллион Евро миқдорида депозит жалб қилиш бўйича шартнома имзоланди.

Шунингдек, Машреқ Банк (БАА) билан ҳам ўзаро англашув мемо-

рандуми (MoU) имзоланди. Унга кўра, банк халқаро молия бозори орқали 30 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри кредит линиясини жалб қилиш юзасидан келишувга эришди.

Яна бир Ўзаро англашув меморандуми (Меморандум оф Ундер-



стандинг (MoU) АҚШнинг SEAF фонди томонидан бошқариладиган Ўзбекистон Иқтисодий Имкониятларни Кенгайтириш Жамғармаси (Есономис Эмпowerмент Фунд фор Ўзбекистан (EEFU) билан Ўзаро англашув меморандуми имзоланди ва 25 млн. АҚШ

доллари миқдорида маблағ жалб қилишга келишиб олинди.

Таъкидлаш керакки, SEAF кичик корхоналарни қўллаб-қувватловчи инвестиция жамғармаси бўлиб, Ўзбекистонда ислом молиялаштириш йўналишида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш учун тўғридан-тўғри кредит линияларини жалб қилишга кўмаклашди.

Бу келишувлар Микрокредит-банкнинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганини, инвесторлар ишончини қозонаётганини ва мамлакат иқтисодиёти ривожига қўшилаётган ҳиссасини яна бир бор тасдиқлайди.

Банк матбуот хизмати

ЕР БИЗДАН ЁРДАМ КУТМОҚДА

Инсоният тараққиёти сўнгги ўн йилликлар ичида фан ва технология жиҳатидан юксак чўққиларга эришган бўлса-да, ушбу ютуқлар табиат билан мувозанатни сақлаш заруриятини иккинчи даражага суриб қўйди.

Натижада, бугунги кун дунёси глобал иқлим ўзгаришидан тортиб, биологик хилма-хилликнинг камайиши, сув ва ҳаво ифлосланиши, пластик чиқиндиларнинг кўпайиши каби экологик муаммоларнинг оғир босими остида қолмоқда. Бу ҳолат нафақат табиат мувозанатини, балки инсон саломатлиги ва иқтисодий барқарорликни ҳам хавф остига қўймоқда.

Ер сатҳининг саноатгача бўлган даврга нисбатан ўртача 1,2°C га иссиши иқлим тизимларининг беқарорлашувига олиб келмоқда. Бу кўрсаткич, халқаро олимлар томонидан қайд этилишича, 1,5°C даражасидан ошмаслиги керак, акс ҳолда қайтарилмас экологик оқибатлар юзага келиши мумкин. Атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид (CO₂) миқдори эса глобал ҳароратнинг ортишида асосий омил бўлиб қолмоқда. Хусусан, саноат, транспорт ва электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнлари ушбу газ чиқиндиларининг асосий манбаларидир.

Экологик мувозанатнинг яна бир кўрсаткичларидан бири бўлган биологик хилма-хилликнинг кескин камайиши эса экотизимлар барқарорлигига бевосита таҳдид солмоқда. БМТ томонидан эълон қилинган 2024-йилги ҳисоботга кўра, Ер юзидаги барча ҳайвон турларининг деярли чорак қисми йўқолиб кетиш хавфи остида. Бу эса озик-овқат занжирининг узилиши, экотизим хизматларининг сусайиши ва тупроқ унумдорлигининг камайишига олиб келади. Ўрмонларнинг ноқонуний кесилиши, табиий яшаш жойларининг йўқ қилиниши ва кимёвий пестицидларнинг ҳаддан ортиқ ишлатилиши бу

йўқотишларга асосий сабаб бўлмоқда.

Океан ва денгизларнинг ифлосланиши эса янги авлод экологик муаммоларидан бири сифатида кўзга ташланмоқда. Ҳар йили миллионлаб тонна пластик чиқиндилар сув муҳитларига тушмоқда ва бу нафақат денгиз ҳайвонларининг ҳаётига, балки инсон саломатлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Микропластик заррачалари нафақат балиқларда, балки инсон қонида ҳам аниқлангани 2023-йилдаги илмий тадқиқотлар билан тасдиқланган. Бу эса озик-овқат орқали пластмассанинг организмга кириб боришини англатади ва бу борада жиддий изланишлар заруратини юзага чиқаради.

Бундан ташқари, ҳаво ифлосланиши инсон саломатлигига энг катта таҳдид солувчи омиллардан бири сифатида қолмоқда. Дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили 7 миллионга яқин инсон айнан ҳаво ифлосланиши сабабли эрта ҳаётдан кўз юмади. Айниқса, саноатлашган ва зич аҳоли яшовчи ҳудудларда ҳаводаги ПМ2.5 заррачалари миқдори кескин юқори бўлиб, юрак-қон томир ва нафас йўллари касалликларининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур экологик муаммоларнинг барчаси мураккаб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва уларни ҳал этиш учун тизимли, илмий ёндашув талаб этилади. Бугун мавжуд бўлган технологик имкониятлар ва халқаро ҳамкорликлар ушбу муаммоларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнаши мумкин. Энергия ишлаб чиқаришда қуёш, шамол ва геотермал манбалардан фойдаланиш



карбон чиқиндиларини кескин камайитиришга хизмат қилади. Шунингдек, шаҳар инфратузилмасини экологик жиҳатдан мақбул шакллантириш — масалан, жамоат транспорти, электроавтобуслар, велосипед йўллари қуриш — ҳаво сифатини яхшилашга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида эса агроэкологик ёндашувлар, пермакултура, тупроқни табиий тиклашга асосланган усуллар экотизим барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, экологик онгни шакллантириш — бу жараёни таълим тизимидан бошлаб, оммавий ахборот воситаларигача кенг қамровда олиб бориш орқали амалга ошириш мумкин. Чунки табиатни асраш бўйича индивидуал ҳаракатлар жамият миқёсида уйғун ҳаракатга айлansa, у ўз самарасини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, экологик муаммолар чуқур илдиз отган ва жиддий эътибор талаб қилади. Аммо бу инқироз биз учун фақат хавф эмас, балки имконият ҳамдир — янада барқарор, соғлом ва уйғун ҳаёт тарзини қуриш имконияти. Илм-фан, технология ва ижтимоий онг уйғунлашган ҳолда ҳаракат қилса, инсоният бугунги экологик инқирозни енгиб ўтиши ва табиат билан мувозанатли ҳаётни тиклаши мумкин.

Моҳичехра ХАМРАҚУЛОВА,
Низомий номидаги ТДПУ 3-босқич
талабаси.